

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган семинар ўтказилди

// 04.11.2021

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/anticorruption-seminar>



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Комплаенс хизмати томонидан коррупцияга қарши курашиш ҳамда ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида “Совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш сиёсати” мавзусида семинар ташкил этилди.

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш мақсадида 10 дан ортиқ ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларда белгиланган талабларни ва тартиб томойилларини ходимларга етказиш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупциоген омилларни олдини олиш мақсадида Комплаенс хизмати томонидан семинар-тренинглари ўтказиб келинмоқда.

Тадбир давомида Комплаенс хизмати бошлиғи Ш.Сағдуллаев "Ўзкимёсаноат" АЖнинг "Совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш сиёсати"нинг мақсади, мазмун-моҳияти, совға бериш ва олиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш, бизнес тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш тартиби, шунингдек, мазкур тадбирларни амалга оширганда ҳисобдорлик ва коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш бўйича презентацион материаллар ёрдамида тушунтириб ўтди.



Семинар иштирокчиларига мазкур сиёсатнинг тамойиллари ва талаблари барча ходимлар учун уларнинг эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар мажбурий эканлиги ва давлат мансабдор шахсларига ҳар қандай совға беришни таъқиқланиши тушунтириб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда бошқа давлатларнинг совға олиш ёки бериш сиёсатлари билан ҳам йиғилиш иштирокчилари таништириб ўтилди. Жумладан, Қирғизистонда бир шахсдан бир маротаба (\$12,5) миқдорида, Тожикистонда бир йил давомида (\$541) миқдорида, Россия Федерациясида бир шахсдан бир маротаба 3000 рубль (\$41,8) миқдорида, Беларусь давлатида бир шахсдан бир маротаба (\$58) миқдорида, Грузияда 300 ларигача (\$96) миқдорида, Молдавияда бир йил давомида (\$60) миқдорида, Украинада бир шахсдан 2270 грн. (\$86,2) миқдорида совғалар олишга рухсат этилганлиги, Сингапур ва Қозоғистонда умуман совғалар бериш ёки олиш қатъиян ман қилинганлиги, Швейцария ва Франциянинг жиноят қонунчилигида совға олиш ёки беришни тақиқловчи талаблар бўлмасада, алоҳида нормалар ёрдамида тартибга солиниши ҳамда Туркменистонда совғалар беришнинг чегаралари умуман ўрнатилмаганлиги қайд этилди.

Тадбир сўнгида ҳар бир жамият ходими коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва чек қўйиш учун масъул эканликлари таъкидланди.

